

Танъим масжиди тарихи



16:48 / 24.05.2025 1159

Бу масжиднинг номи «Масжиди уммул мўминин Оиша розияллоҳу анҳо»дир. У Масжидул Ҳаромнинг шимол томонида, Маккадан Мадина томонга 7,5 км узоқликда жойлашган. Унинг ўрни ҳарамнинг чегарасидаги ўринга яқинроқдир. Ҳижрий тўққизинчи, яъни ҳажжатул вадоеъ йилида уммул мўминин Оиша розияллоҳу анҳо умрани ният қилиб эҳромга кирганлари учун бу маконга масжид қурилди ва у онамизнинг исмлари билан аталди. Худди шу нарса Жобир розияллоҳу анҳудан ҳам ривоят қилинган.

Оиша розияллоҳу анҳо ҳайз кўриб, Каъбани тавоф қилишдан бошқа барча ҳаж амалларини бажарганлар. Ҳайздан пок бўлгач, Каъбани зиёрат қилганлар. Тавоф қилиб бўлиб: «Эй Аллоҳнинг Расули, сизлар ҳаж ва умра ибодатини бажарасизлару, мен ҳажнинг ўзини бажараман, холосми?» деб

сўраганларида, Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам Абдуррахмон ибн Абу Бакрга Оишани бирга олиб, Танъимга бориб, ҳаждан кейин зулҳижжа ойида бирга умра қилиб келишни буюрганлар.

Ибн Журайж: «Атони кўрганимда у зот Оиша розияллоҳу анҳо умра қилган ўринни сифатлаб, Муҳаммад ибн Алий Шофеъий қурган масжид ўрнига ишора қилдилар. Оиша масжидининг қайта қурилиши икки шарафли масжид ходими томонидан амалга оширилган. У ернинг ўрни 84000 квадрат метрни ўз ичига олиб, қайта қуришга 100 миллион риёл (Саудия пул бирлиги) сарф этилган. Масжид биносининг майдони 6000 квадрат метр. Масжид 150000 нафар мусулмонни ўз ичига сиғдира олади.

**«Макка, Каъба, Замзам тарихи, ҳаж ва умра маносиклари»
китобидан.**

Ушбу китоб Ўзбекистон Республикаси Дин ишлари бўйича қўмитанинг 2022 йил 7 сентябрдаги 03-07/ 6905-рақамли хулосаси асосида чоп этилган..